

иймон келтирмагунча, мўмин бўла олмайди», демоқдалар.

Бу, комил иймон ушбу тўрт нарсдан иборатдир, дегани эмас, албатта. Лекин мазкур тўрт нарсага иймон келтириш ўта муҳим эканини, буларсиз иймон ҳақида сўз ҳам очиб бўлмайдиган нарсалар эканини таъкидлашдир. Сўнгра ўша тўрт нарсани батафсил баён қилишни бошлайдилар.

1. «Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқлигига ва мен Аллоҳнинг Расулиман-у, У Зот мени ҳақ ила юборганига шоҳидлик беради».

Бу тавҳид калимасидир, иймоннинг аслидир, инсоният учун энг зарур нарсадир. Шу нарсага иймон йўқ экан, бошқа нарсаларга ҳам иймон бўлмайди. Шу шоҳидлик бўлмаса, амаллар ҳам қабул қилинмайди. Инсоният фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилиши, фақат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни охириги Пайғамбар деб билиши керак. Аллоҳ у кишини ҳақ дин билан юборганини тан олиши керак. Ким шуни тили билан айтиб, дили билан тасдиқласа, мўмин бўлади, акс ҳолда мўмин бўла олмайди.

2. «Ўлимга иймон келтиради».

Яъни ўлимнинг ҳақ эканини тан олади. Ана шунга ишониб, ўлимни кўз олдига келтириб яшайди. Бу ҳар бир инсон учун вожиб эътиқод эканини ва унинг ниҳоятда зарур эканини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Ўлимга ишонмаган, уни кўз олдига келтириб яшамаган одамдан яхшилик кутиб бўлмайди. Халқ ичида ёмон одамлар ҳақида «ўлмайман, деб ўйлармикан», деган гап юради.

Бу, унинг ёмонлиги ўлимга иймони йўқлигидан келиб чиқади, деб билишдандир. Ўлимни ўйлаш ҳар бир инсон учун ўта зарур бўлганидан ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлимга иймон келтиришни тўртта муҳим нарса ичида, Аллоҳга ва Расулга иймон келтиришдан кейин зикр қилмоқдалар.

3. «Ўлгандан кейин қайта тирилишга иймон келтиради».

Агар бу иймон бўлмаса, ўлимга ишонишнинг ҳам ҳожати йўқ. Ўлгандан кейин қайта тирилишга ишониш бу дунёда қилинган ишларнинг сўроқ-жавобига ишониш демакдир. Бу эса ўз навбатида, инсонни доимо яхшилик қилишга чорловчи омилдир. Агар «Дунёдаги ёмонликлар асосан ўлгандан кейин қайта тирилишга иймон йўқлиги ёки унинг заифлигидан келиб чиқади», десак, муболаға қилмаган бўламиз. Шунинг учун ҳам ушбу ҳадиси

шарифда бунга бўлган иймон алоҳида таъкидланиб келмоқда.

4. «Қадарга иймон келтиради».

Бу қадарга бўлган иймоннинг нақадар муҳимлигининг яна бир бор таъкидидир.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди